

САМАРҚАНДНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 февраль куни Самарқанднинг туризм салоҳиятини, шу жумладан, зиёрат туризмини ривожлантиришга доир тақдимот билан танишди.

Жорий йил 9 февраль куни давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унда туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, сайёҳларга мақбул шароитлар яратиш мақсадлари белгиланди.

Бу борада Самарқанднинг салоҳияти жуда юқори. Шу боис мазкур вилоятда туризм инфра-тузилмасини ривожлантириш бўйича комплекс ишлар олиб берилмоқда.

Хусусан, Самарқанд туманида туристик марказ ташкил этилмоқда. Бу сўлим масканда 8 та за-

монавий меҳмонхона, йирик анжуманлар зали, ресторанлар, боғ ва сайилгоҳлар бўлади.

Ушбу туристик марказни Самарқанд халқаро аэропорти, темир йўл вокзали, Имом Бухорий мақбараси, Регистон майдони ва бошқа диққатга сазовор жойлар билан боғлайдиган кўчалар таъмирланмоқда.

Самарқанд шахрининг туризм салоҳиятини ривожлантириш мақсадида 10 та янги меҳмонхона барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари тақдимот билан танишиб, транспорт, йўл ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш, Самарқанд шахрини ободонлаштириш, савдо ва хизматларни кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

Ў.А.

Ҳозирги кунда Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Трансафғон транспорт йўлагини барпо этиш борасида дастлабки амалий қадамларни ташладик. Бу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бутун минтақамизда барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашга беқиёс хизмат қилади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Таҳлил



ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ, ТРАНСПОРТ ВА ТРАНЗИТ ЙЎЛАКЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИ

МИНТАҚАЛАРАРО САВДО, МАДАНИЙ ВА ИЛМИЙ-ГУМАНИТАР СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон жаҳоннинг денгиз бандаргоҳларига чиқиб, маҳсулотлар раёбатдошлигини сақлаб қолиш учун янгидан-янги транспорт йўлакларини барпо этишни ташқи сиёсатдаги устувор вазифалардан бири, деб билади.

Давлатимиз раҳбари шу йил 2 февраль куни Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича уч томонлама ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилишида иштирок этиш учун юртимизга келган Афғонистон Ислом Республикасининг делегацияси — мамлакат ташқи ишлар вазири Муҳаммад Ҳаниф Атамар ва Президент Администрацияси раҳбари Муҳаммад Шокир Корғар ҳамда Покистон Ислом Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси Абдул Раззоқ Довудни қабул қилди.

Мулоқотлар марказида, шубҳасиз, Афғонистон ҳудуди орқали Марказий ва Жанубий Осиёни энг қисқа йўл билан боғлайдиган, Покистоннинг денгиз портларига чиқиб, ҳамда уларнинг инфратузилмаси самарали ишга солинишини таъминлайдиган темир йўл қуриш лойиҳаси, таъбир жоиз бўлса, аср лойиҳаси муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган Трансафғон транспорт йўлагини барпо этиш борасида дастлабки амалий қадамлар ташлангани ҳақида тўхталиб ўтган эди. Ушбу лойиҳага халқаро молия ташкилотлари томонидан 4,8 миллиард доллар жалб қилиниши кутилмоқда. Покистон транспорт вазирининг фикрича, бўлажак темир йўлдан йўловчи ва юк ташиш мақсадларида самарали фойдаланилади.



Нуқтаи назар

ТУРТКИ

Барчанинг хабари бор, ўтган куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирларига бағишланган машварат бўлиб ўтди. Унда муҳокама қилинган масалаларнинг Ватан равнақи, миллат камолотига қўшадиган ҳиссаси қанчалар салмоқли бўлажак хали жуда кўп ўрганилади. Бу борада фикр юритиш, тафаккур қилиш алоҳида, чуқур мавзу.

Айни чоғда мен йиғилиш жараёнида давлат раҳбари бир неча марта такрорланган биттагина — “туртки” деган сўз ва ундан олган таассурот ҳамда хулосаларимни сиз билан ўртоқлашгим келди.

Одам зотининг, бошқалар-ни-ку қўяверинг, баъзан, ҳатто ўзини ҳам тушунолмай қоладиган феъли бор. Бўлмаसा, мазкур мажлисда Президент томонидан неча минг-минглаб сўзлар айтилди, қанча мақоллар, ҳикматлар, образли иборалар жаран-

лади. Мени эса, нима учундир мана шу “туртки” ўйлатиб қўйди. Президент феълида бу ибора гоҳ дард, гоҳида давват бўлиб янграгани учунми, бо-лалигим, ўқиган, эшитганларим эсаг тушди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ОИД БАНДЛАР ИЖРОСИ ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида халқимиз фаровонлигини янада оширишга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Унда назарда тутилган чора-тадбирларнинг аксарияти иқтисодий ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш, шунингдек, баркамол авлодни қўллаб-қувватлаш, одамлар соғлигини яхшилаш ҳамда ижтимоий соҳани равнақ топтириш масалаларига тааллуқлидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган тadbирда шу ҳақда атроф-лича сўз юритилди.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобидан халқимиз фаровонлигини ошириш ва қўндалик ҳаётидаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бир қатор бандлар ижросини таъминлашда қўмита олдида турган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Давлат дастурининг ижтимоий ҳимояга йўналтирилган ишлар ижросини ўрганиш, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”нинг самарадорлигини баҳолаш, субсидия ҳамда грантлар асосида эртаимиз эгалари бандлигини таъминлаш юзасидан назорат-таҳлил фаолиятини олиб

бориб, эҳтиёжманд оилаларни уй-жойли қилиш борасида рўёбга чиқарилаётган саъй-ҳаракатлар қўламини янада кенгайтириш ҳақида қабул қилиниши кўзда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари юзасидан фикрлар билдирилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, Давлат дастурида ёшларнинг таълим олиши учун бир қатор имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, олий ўқув юртида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оила фарзандлари учун таълим кредити берилиши ҳамда талаба томонидан ушбу кредитни ўқиш даври тугагандан сўнг қайтариш амалиёти жорий этилаётгани, олий таълимга ахратиладиган давлат грантлари сони 25 фоиз ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган қизлар учун давлат грантлари сони 2 баравар, яъни икки мингтага оширилаётгани диққатга сазовор.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА УЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтидорли ва истиқболли, айниқса, республика ҳудудларидан ёш мутахассисларни излаб топиш ва танлашга қаратилган фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янада модернизациялаш, уларнинг хориждаги нуфузли таълим ва илмий муассасаларда, ишлаб чиқариш, инновацион ва бошқа компанияларда мақсадли таълим олишини ҳамда стажировкадан ўтишини ташкил этиш, профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматида жалб этиш борасида барча шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5843-сон Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ихтиёрига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгиланган Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Жамғармининг қўшимча вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

иқтидорли ва истиқболли, айниқса, республика ҳудудларидан **давлат хизматчиларини тизимли равишда излаб топиш, танлаш ва рағбатлантириш,** уларнинг хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олишини ва стажировкадан ўтишини ташкил этиш;

профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган **янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматида жалб этишга қўмаклашиш;**

ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, хорижий экспертлар билан ҳамкорлиқда **давлат хизмати ва таълим соҳасига рақамли технологияларни жорий этишга** қаратилган илмий-амалий тадбирлар ташкил этиш;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг қақирув ёшидаги фуқаролари 2021 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга қақирилсин.

Ҳарбий хизматга яроқли, шу жумладан, чекловлар билан яроқли бўлган ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу қақирув даврида Қўролли Кучлар сафига қақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик қақируви резерви хизматида олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 11 февраль

Сенатор ва ҳаёт

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТДАН ПИРОВАРД МАҚСАД — ХАЛҚИМИЗ РОЗИЛИГИ

Янги Ўзбекистоннинг янгиланган парламентида, хусусан, Сенатда ҳам замонга хос ўзгаришлар қузатилаётгани эътиборга молик. Масалан, сенаторларнинг жойларга чиқиб, юртдошларимиз билан очиқ мулоқоти яхши анъанага айlandи. Муҳими, бу жараёнларда аниқланган муаммо ва камчиликлар мутасаддилар билан биргаликда бартараф этилмоқда.

Айни кунларда ҳам Олий Мажлис Сенатида доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудларда бўлиб, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, аҳоли билан учрашувлар ўтказмоқда. Уларда Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар, қўриб чиқилган масалалар, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дасту-

ри мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти аҳолига тушунтирилаётир. Шунингдек, жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ўтказилмоқда, Сенатга келган мурожаатлар жойида чуқур ўрганилмоқда.

Тадбиркорга кредитни қайтариш муддати бўйича имтиёз берилди

Самарқанд вилоятда хизмат сафари билан бўлиб турган парламент юқори палатасининг Ёшлар, маданият ва

спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев ўз ишини Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламентининг вилоятдаги аъзолари билан биргаликда фуқаролар мурожаатларини қўриб чиқишдан бошлади.

Пастдарғом туманида истиқомат қилувчи ака-ука Шокирволар масъулияти чекланган жамият ташкил этиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда маҳалладошларининг бандлигини таъминлаш мақсадида ўз маблағлари ва банк кредитлари асосида иш бошлаган.



ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТДАН ПИРОВАРД МАҚСАД — ХАЛҚИМИЗ РОЗИЛИГИ

Бирок пандемия сабаб улар фаолияти тўхтаб қолган. Шундан сўнг банк ва тадбиркор ўртасида кредит масаласида келишмовчилик чиққан. Сенатор аралашуви билан ушбу зиддиятли вазият ижобий ҳал этилди. Яъни тадбиркорга банк кредитини қайтариш муддати бўйича имтиёз берилди.

Бундан ташқари, сенаторнинг халқ депутатлари Пастдаргом тумани Кенгаши котибияти ҳамда доимий комиссиялари аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда 2021 йилги Давлат дастурида белгиланган муҳим масалалар ҳамда Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ҳақида апроф-лича маълумот берилди ва кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Сенат фаолиятининг жорий йилдаги устувор йўналишлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан биргаликда бажариладиган

Сайлов қонунчилигига доир янгиликларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги аҳамияти қандай?

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одиложон Иминов Термиз шаҳрида халқ депутатлари Термиз, Ангор, Жарқўрғон туманлари ва Термиз шаҳар Кенгашлари раиси ўрин-босарлари, котибиёт мудирлари ҳамда доимий комиссиялари раислари билан учрашди.

Унда сайлов қонунчилиги тақомиллаштиришга доир янгиликларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги аҳамияти, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда бошқа

қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлашга оид нормаларнинг мазмун-моҳияти, тубдан тақомиллаштирилган аудиторлик фаолиятига оид қонунчиликнинг иқтисодиёт ривожигаги ўрни ва бошқа долзарб масалалар ҳусусида сўз борди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” Ўшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятига уруғ берилди.

Шу билан бирга, сенатор ҳудуддан парламент юқори палатасига мурожаат йўллаган фуқаролар билан учра-

Ҳудудда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан фикр алмашилди

Олий Мажлис юқори палатаси аъзолари Равшанбек Курбонов, Гавҳар Дурдыева, Фароҳат Саъдуллаева Хоразм вилоятида бўлиб турибди.

Дастлаб сенаторлар аҳоли вакиллари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти мудир, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Унда асосий эътибор Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида

қўриб чиқилган масалалар, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ўшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга доир Давлат дастури мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тушунтиришга қаратилди.

Шунингдек, вилоятнинг мураккаб иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, юрак-қон томир касалликлари келиб чиқишининг олдини олиш, уларни вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини қўриш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда тиббиёт ходимлари томонидан ҳам тақдир ва мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».



...Ёшлигимизда сомон янчардик. Бу юмушни айни саратонда — қуёш тос тепангда тандирдай қиздириб турган толтушу пайтлари бажармасанг, сомон эшаклар тўғғи остида бовлиқдай эшилиб ётаверарди. Биз тўрт-беш эшакни бўйнидан бир-бирига мотаб, пешонадан шовуллаб оқувчи шўр терга қўмилган кўйи, эшакларни халалаб хўп янчарканмиз, иссиқ элитганда мудраб, яланғоч ҳайвон устида қалқиб-қалқиб кетган пайтларимиз бўларди. Шунда паншаха билан хирмон теварагига сочилган саворани тўёқлар остига химариб турган раҳматлик отамнинг ёнимдаги эшакка минволган акама: “Хей, Абдували, укангни туртиб қўй, йўғасам, ҳозир ағнап кетади!” деган турткиси дарров эсимни жойига тушириб қўярди.

Шундай. Бир туртки мудраган одамни илқис сергақлантиради. Жилга йўлини тўсиб турган тошни олиб ташлаш ҳам туртки. Беморнинг жонини асраб қолган бир томчи сув замирида ҳам муқаддас ҳаётий туртки бор.

Мудрок ҳамият ҳам битта турткига муҳтож бўлади гоҳида. Мозийда бунга мисоллар кўп. Ўзимиз ҳам узоқ йиллар уйқусираб юрганимизни энди тан оляймиз. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Стратегияси Ўзбекистон учун уignonиш қўнғиргои — ҳаётий туртки бўлганини ҳам энди-энди тушуниб етаямиз.

Шундай бўлса-да, бу турткидан кейин ҳамма бараварига отларини елдириб кетган эмас. Тўғри, уйғонган заҳоти ёнидагиларни, таниш-билишларни, дўсту биродарларни ҳам туртиб, олдинга ундаган, қийинчиликларга, турли синовларга мардона кўкрагини тутганлар кўп бўлди. Лекин баъзилар мудрок кўзларини очди-ю, эрин-чоклик билан керишиб қўйиб яна кўрпасига бурканиб олди. Кимдир югуриб кетаётганларни бепарво кузатиб турди. Кимдир бир туртки билан иш битарибди, буюм навбатдаги кампанияга-озликдир-да, деган уйда совган чойини ҳўплаб ўтираверди. Тушунмай, эътибор бермай, қизик-синмай, пинагини бузмай, бир туки қилт этмаганлар ҳам бўлди. Чирган барғихазон тағида дунёдан ҳафсаласи пир бўлган кўлмақлар эса ором-ҳаловатини бузганлардан қаттиқ ранжиди. Калака-пичинг, масҳара қилганлар учради... Учради, шу турткидан фойдаланиб, ўзларини ишчан, ватанпарвар, тадбиркор қилиб кўрсатиш орқали, чўнтақларини қаппайтириб олиш пайига тушган мунофиқлар ҳам. Лекин, минг афсуски, бундай кимсалар саҳнага чиқиб учун қон-қўзга ўсма-сурма қўйишнинг ўзи кифоя эмаслигини, ўсимни учун ўқувсиз актёр эмас, чинакам фидойи бўлмок кераклигини хали англамас эдилар. Шул боси ҳамият бундай ўйловдагиларни бирин-кетин сув бетигади кўпик мисоли қирғоқларга чиқариб ташлади.

Аммо бугун шуниши аён бўлиб турибдики, ўша туртки Ўзбекистон деган юртда яшаётган юрғидаги армонни, ғайрати, Ватанию миллатига муҳаббати бўлган кишиларнинг ҳаммасини кўзғатиб, тўлқинлантириб юборди. Бутун аҳли олам қўриб турган бу мислсиз эврилишлар, назаримда, ортиқча таърифлашга муҳтож эмас...

Яна машваратга қайтаман.

Соғлиқни сақлаш вазири тизимда бўлаётган изланишлар тўғрисида гапираётиб, Намангандаги хайрли ишларга тўхтаганда, давлат раҳбари хурсанд бўлганда: “Шифокорларга Худойим инсоф бергани рост бўлсин!” дея суюниб кетди. Сўнгра, Самарқандда ҳоким бўлган вақтида, Иштихон туманидаги вазият ҳам соғлиқни сақлашдаги каби оғир бўлгани, уларни ҳаракатга келтириш қийин кечгани ва ҳатто, Иштихон ҳақида шеър ёздирганини эслади. “Бу ерда Хайридин Султонов иштирок этипти, сиз ҳам шифокорларга худойим инсоф бергани чин бўлсин, деган шеър ёзинг”, деди мийғида қулиб. Яримҳазил, яримчин тарзда айтилган бу сўзлар замирида, назаримда, нафақат соғлиқни сақлаш ходимлари, балки барча қалам аҳлини ҳам шижоатга ундовчи туртки — даябат мўжасам.

Хаммага аён, тиббиётимизда мислсиз янги-ланишлар содир бўлди. Энг замонавий асбоб-ускуналар олиб келинди, ўнлаб янги поликли-

никалар, оилавий саломатлик марказлари, санаторий-курортлар, ходимларнинг ойлик маоши ош и р л д и . Аммо соҳада камчиликлар хали оз эмас. Энг ёмони — таниш-билишчилик, қўполлик, тамағирлик, самодисциплина, порахўрлик давом етаяпти. Албатта, узоқ йиллик чирғил илдиэларни тупрок остидан топиб, кесиб ташлаш осон эмас. Томирдаги лойқа қон бир-икки осма укол билан тоза бўлиб қолмагани сингари, бундай касаллиқни ҳам бир кун ёки бир йилда даволаш амримаҳол.

Энди Президентнинг шеър ёзишга доир топшириғи ҳақида.

Авалдан айтаман, бу ўринда гап яқинда юздан зиёд ёзувчиларга янги уйлар берилган, жаҳонда муқобили бўлмаган Адилбар ҳибёни бардо этилгани ёҳуд ардоқли адиблар номида ижод мактаблари ташкил этилгани ҳақидагина эмас, балки ҳамиятнинг очилгани, сўз эркинлиги таъминланаётгани тўғрисида эди. Аҳир кечатгина билиб-билмай айтган бир калима сўзи учун йиллаб на телевизор, на газета-журнал остонасига йўллатилган ижодкорларни қўрдик-ку! Ҳозиргидек дориламон кунларда қаламкашнинг сўзи худди тунги машъала каби ловуллаб турмоғи зарур. Унинг ёзганлари юракларга жүшқин рух, эртанги кунга ишонч, Ватанга муҳаббат тўйгуларини тўлқинлантирмоғи керак. Халқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов бекорга: “Темир тиги етмаган жойини, қалам билан олди Алишер” деганга! Президент ёзувчиларнинг фаол бўлишини астойдил истаётганининг бир жиоси эди бу. Сизу бизни миллат руҳини мавжлантирувчи асарлар яратишга ундаш!

Мажлисида кадрлар муаммосига алоҳида тўхталинди.

“Яқинда Наманганга бораман, — деди Президент. — Сўров қаттиқ бўлади. Аравани тортмайдиганларнинг баҳридан ўтишга мажбур бўламан”. Бу гаплари айтаётганда, овозида қанчалар армон ва азоб силқиб турганини сезмаслик мумкин эмас эди. Аҳир битта ниҳолни ўстириш қанчалар қийин. Битта раҳбарни вояга келтириш-чи? Бир йилмас, бир ойнинг ичиде Когонда тўртта раҳбар — ҳокими бош, Фаргона шаҳрида тўртта раҳбар — ҳокими бош, олиб ташланди. Ва, яна бир нечта туман ҳокимлари, вилоят ҳокими, вазир вазифасидан озод қилинди. Буларнинг ҳар бирига қанчадан-қанча меҳнати, меҳри сингган экан давлат раҳбарининг! Осонми, ўз фарзандингизга, укандаги бўлган шо-гирдларинга қаттиқ гап айтмок. Ўз яранга тўз сепиш билан баробар эмасми? Бирок одамлар турсин, уйғотсин, ортидан эргаштирсин деганининг ўзики, турткига муҳтож бўлса, туртиб уйғотсанг ҳам қўзғини очмаса, гафлат чангалидан қутулмаса, қандай чидаш мумкин? Аҳир бу томонда бутун бошли мамлакат, халқ, бутун дунё кузатиб турган бўлди! Қолаверса, озми, “ўзларини Амир Темир, Мирзо Бобур, Мангуберди авлодларимиз деб мақтаниб юрганларнинг чоғишлари қаергана борар экан”, деган илинжда хатомзини кутиб турганлар? Океан ёки чўлу биёбонлар ортидамас, шундоқ ичимиздям, афсуски, тоғилади бундай ичиқорлар.

Мудрамасин, катта очинг кўзингни, Ўт-овога айлантириб сўзингни. Дўсту ёру қариндошини туртинг ҳар кун, Ва ҳар кун туртиб туринг кўзингни!

Абдуссид ҚўЧИМОВ.

УЧТА МАКТАБ ТАЪМИРИ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРГА КИРИТИЛАДИГАН БЎЛДИ

Шу ўринда айтиш керакки, сенатор сўрови изчил йўлга қўйилаётган дастлабки пайтларда айрим мутасаддиларнинг сўровимизга эътиборсиз қараган ҳолатлари ҳам қузатилганди. Лекин бугун барчаси ўзгарди. Ҳозирги кунга келиб у вазирлик бўладими ёки бошқа ташкилотми, сенатор сўровларига жавобгарлик ва масъулият билан қарайдиган бўлди. Энг муҳими, сўровда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилаётган-дир.

Бунга жорий йилдаги фаолиятимиздан бир мисол келтирмоқчимиз. Ёдингизда бўлса, Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган бу гапни Мурожаатномасида халқ таълими соҳасини ислоҳ қилиш, ёшларимизнинг таълим-тарбия олиши учун барча шарт-шароитни яратиш, умумтаълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилган эди.

Шу асосда сенаторлар жойларга чиқиб, мавжуд вазиятни ўрганишпти. Хусусан, Утган ойда Тошкент вилоятининг Урта Чирчиқ тумани аҳолиси билан учрашувлар ўтказдик. Бу жараёнда туманининг “Учокли”, “Янги турмуш” ва “Тараққийёт” маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси мурожаат қилиб, шу ҳудудлардаги мактабларни таъмирлашда амалий ёрдам сўрашган эди. Кўрсатилган манзиллардаги мактаблар зудлик билан ўрганилди. Чиндан ҳам ушбу таълим муассасалари бугунги талабга умуман жавоб бермаслиғи аниқланди.

Ана шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирга: “...Тошкент вилоятининг Урта Чирчиқ туманидаги “Учокли” МФИда жойлашган 38-мактабнинг эски биноси ўрнида янги 120 ўринли мактаб биносини қуриш, “Янги турмуш” МФИдаги 50-мактабнинг буш турган биноси ва “Тараққийёт” МФИда жойлашган 20-мактабни капитал реконструкция қилиш мақсадида 2022 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритиш чораларини қуриш ва натижалари ҳақида 15 кун муддатда маълумот тақдим этиш...” сўралган сенатор сўрови юборилди.

Белгиланган муддатда Халқ таълими вазирлигидан жавоб хат келди. Унда сенатор сўровида келтирилган мактаблардаги мавжуд ҳолат ўрганиб чиқилгани, бу таълим муассасалари, ҳақиқатан ҳам, таъмирталаб

аҳволда экани маълум қилинган. Жумладан, унда шундай дейилади: “Ҳақиқатан, мазкур умумтаълим мактабларининг биттасида (50-сонли) дарс жараёнлари 2 навбатда (смена) ташкил этилган, 2022 йилнинг (20 ва 38-сонли) мавжуд бинолари узоқ



йиллардан бери мукаммал таъмирланмагани боис бугунги кундаги ҳолати талаб даражасида эмас”.

Шунингдек, жавоб хатида бу умумтаълим мактабларини таъмирлаш 2022 йил Инвестиция дастури манзилли рўйхатида киритилиши вазирлик томонидан назоратга олиниши маълум қилинган.

Қолаверса, вазир бу каби ишлар учун кўп маблағ талаб этилишидан келиб чиқиб, бизнинг фаолиятимиз билан боғлиқ айрим тақлифларни ҳам илгари сурган. Хусусан, Давлат бюджети тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини тасдиқлашда, шунингдек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида имкон қадар халқ таълими муассасалари учун кўпроқ маблағ йўналтирилишида ёрдам беришимизни сўраган. Табиийки, бу тақлифни қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, бугун ана шу муассасаларда Ватанимиз келажаги бўлган ёш авлод таълим-тарбия олмақда. Демак, мазкур йўналиш учун ҳар қанча маблағ ахратсак арзийди.

Кўриб турганингиздек, биргина сенаторлик сўрови орқасидан унда кўтарилган муаммо ҳал бўлаётгандан ташқари, янги тақлиф ва гоёлар юзуга чиқмоқда. Шундай экан, биз бундан кейин ҳам сенатор сўрови институти имкониятидан янада самарали фойдаланишга, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

Кутбидин БУРХОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофиа ва ҳавфизлик масалалари қўмитаси раиси.

Фикр

ҚОҒОЗДАГИ ҲИСОБОТЛАР ДАВРИ ЎТДИ. ИМКОНИЯТ ВА ШАРОИТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР

Бугун юртимизда шундай ишчанлик, очиқлик ва ошкоралик муҳити яратилдики, эл-юрт учун фидойилик кўрсатётган, мамлакат равнақига ҳисса қўшаётган ҳар қандай одам — хоҳ у раҳбар, депутат ёки оддий фуқаро бўлсин, унинг фаолиятига халқимиз ҳаққоний баҳо берапти. Энди лоқайдликнинг, номига қоғоз қоралаб, ёлғон ҳисоботу “ошириб-тошириш”ларнинг вақти ўтди. Бу каби ўзибўларчиликлар раҳбарга обрў олиб келмайди — ким ишмашти, ким ўзини ишлатётгандек кўрсатяпти, бунчи оламга қўриб, билиб турибди.

Президентимиз раислигида шу йил 10 февраль кунини “Ўшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури ижросини самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши учун шаби долзарб масалалар юзасидан фикрлар билдирилди, ўрни келганда раҳбарлар танқид остига олинди.

Мақсад битта — дунёда ҳали-хануз қоронавирс пандемияси давом етаетган бир шароитда Давлат дастурида белгиланган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш ва бу жараёнда ҳар бир кишининг фаол иштирок этишини таъминлашдан иборатдир.

Бинобарин, Давлат дастурида тиббиёт, таълим ҳамда бошқа гуманитар соҳаларни ривожлантиришга қаратилган 93 та банд мавжуд бўлиб, уларни амалга оширишда ҳар бир кишидан фаоллик талаб этилади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Гоҳида ҳудудларга борганда, Давлат дастурини раҳбарлар амалга ошириши керак, деган гапларни эшитиб қоламиз. Бу мутлақо нотўғри фикрнинг шаклланиши — Давлат дастури моҳиятини чуқур англаб етмасликнинг оқибати. Аслида, биз депутатлар, сенаторлар, маҳаллий ҳокимият вакиллари аҳолига Давлат дастурини амалга оширишда ҳар бир фуқаро иштирокчи бўлиши лозимлиғи бўйича тушунтириш ишлари олиб боришимиз мақсадга мувофиқдир.

Масалан, дейлик, Болаларни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилиб, унга бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилиши, бу, давлат томонидан кўрсатилган катта ғамхўрлик эканини нафақат раҳбарлар, маҳалла фаоллари, балки ҳар бир ота-она, кесакё ёш чуқур англаб етса, Давлат дастурини бажариш осон кечиши

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ОИД БАНДЛАР ИЖРОСИ ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА



Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш амалиётини сертификат бериш тизимига ўтказиб, фуқароларга ўз танловига қўра, давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини сотиб олиш имконини бериш назарда тутилмоқда. Ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс, деб топилганда ногиронлик муддатсиз даврга белгиланиши борасидаги янги механизмлар жорий этилаётир. Бу борадаги ишлар ижроси, депутатлар қайд этганидек, парламент назоратида бўлади.

Тадбир давомида Давлат дастурининг яна бир аҳамиятли жиҳати — пенсия тизимидаги бир қатор ислохотларга эътибор қаратилиб, бунда айнан фуқароларнинг хоҳиш-истаклари инобатга олингани айтиб ўтилди.

Қайд этилганидек, ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотида эга бўлишлари учун ўз даромадларидан иштироки равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Шунингдек, 2021 йил 1 июндан бошлаб, пенсияларни тайинлашда шахсининг иш ҳақи ва меҳнат стажы тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси қўрилганга давр — 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажы шахсининг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳуж-



жатлар талаб этилмасдан ҳисобланадиган бўлади. Бу, ўз навбатида, пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун қулай шароитлар яратди.

Пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўлиниши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг 2021 йил 1 февраль ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан қичқарилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 6 мингдан зиёд фуқароларнинг 12 миллиард сўмга яқин маблағларни ўз ҳисобларида қолиши қутулмоқда. Бу янгилик ҳам фуқароларнинг мазкур масаладаги мурожаатларининг эътиборга олинганидан далолат беради.

Қўимта аъзолари йиғилишида Давлат дастурининг аҳолининг ижтимоий ҳимоясига тегишли бандлари ижроси ўз муддатида ҳамда сифатли тарзда амалга оширилиши юзасидан таъсирчан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш каби муҳим вазифаларни белгилаб олди.

Яқунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Кеча Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг ҳисоботи ҳамда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси фракциялари аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Ички ишлар, Адлия, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Халқ таълими, Мактабгача таълим вазирликлари масъул ходимлари, журналистлар қатнашди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан 72 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда қонун лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, Ўзбекистон Республикасидаги илгиримата қонуни лойиҳаси ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари юзасидан тақлифлар берилди.

Шунингдек, жойлардаги ҳазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳисобхоналарида олиб борилган мониторинг ҳамда мурожаатлар таҳлилидан келиб чиқиб, ҳазони ижро этиш муассасалари ҳамда тергов ҳисобхоналарида бола тўғилганда бир марталик нафақа пули берилиши тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгариш киритиш бўйича тегишли вазирликларга тақлифлар билан қилинган.

Тахлилларга қўра, ўтган йилда Омбудсман номига 15 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг 1 563 таси қамоқда сақлаш жойларидаги шахслар ва уларнинг қариндошлари томонидан йўлланган бўлса, аризаларнинг 45,3 фоизини хотин-қизлар юборган.

Мурожаатларни қўриб чиқиш натижаларига қўра, 54 нафар аёлга

вога етмаган фарзандларининг таъминоти учун 176 миллион сўмдан ортиқ алимент пуллари ундириб берилди. Жиноят иши қўзғатишнинг рад этиш тўғрисидаги 18 та қарор бекор қилиниб, 5 та ҳолатда хотин-қизларга нисбатан оилада таъйиқ ва зўравонлик ҳолатлари содир этилганлиги юзасидан жиноий иш қўзғатилган.

Омбудсман ҳузурда миллий превентив механизм доирасида фаолият кўрсатувчи жамоатчилик вакилларидан иборат бўлган эксперт гуруҳи томонидан қамоқда сақлаш жойларида жами 76 та “мониторинг таширифи” амалга оширилиб, аниқланган муаммоларни бартараф қилиш юзасидан Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратурага маълумотлар киритилган.

Йиғилишда таъкидланганидек, юртимизда болалар меҳнати тўйик бартараф этилиб, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу институт фаолиятига оид бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш, бола ҳуқуқларининг қафолатларини таъминлаш ва соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажаришнинг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Ўтган йилда Вакил номига бола ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахслари, болалар ҳамда уларнинг қонуний вакиллари томонидан жами

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Долзарб мавзу

Юртимизнинг ноёб маданий мерос объектларини, қадамжоларни кўриш, зиёрат қилиш учун дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан сайёҳлар келишади. Майдони 216 гектар, муҳофаза ҳудуди 339 гектарни ташкил этган “Бухоро тарихий маркази” хорижий меҳмонлар энг кўп ташириф буюрадиган ана шундай қадимий гўшалардан биридир. Мазкур ҳудуд ЮНЕСКОнинг 1993 йилда бўлиб ўтган 17-сессиясида Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган.



ТАРИХИЙ ҚИЁФАСИ САҚЛАБ ҚОЛИНАДИМИ?

Фуқаролик мажбуриятини ҳис этияпмизми?

— Юқоридаги каби ҳудуд ва ҳар бир маданий мерос объектини асраб-авайлаш, келажак авлодга уларнинг бемисл гўзаллигини сақлаган ҳолда етказиш, мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини ошириш мақсадида юртимизда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, — дейди вилоят Маданий мерос бошқармаси бошлиғи Шерзод Маҳмудов. — Бунга мисол қилиб, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасининг келтирилган мумкин.

Мазкур моддада “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”, дея фуқароларимиз зиммасига мажбурият юклатилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги қарорига мувофиқ алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар, тарихий-маданий қимматига кўра, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар, уларнинг буфер зоналарида бино ва иншоотларни қуриш ёки бузиш бўйича лойиҳаларга Маданият вазирилик ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг Илмий-эксперт кенгаши ва ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси маркази томонидан ихобий хулосалар олинганидан сўнг қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаш мумкинлиги қатъий белгиланган.

Мазкур ҳудудларда нақсоний қурилиш ишлари аниқланган тақдирда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 64-моддасига асосан фуқаролар БХМнинг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахслар юз бараваридан юз эллик бараваригача жарима тўлашга ёки Жиноят кодексининг 132-моддасига асосан уш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланшига сабаб бўлади.

— Афсуски, маданий мерос объектлари ва “Бухоро тарихий маркази”ни асл ҳолида сақлаш ҳамда уни муҳофаза этишга доир кўллаб қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган бўлишига қарамай, айрим фуқаролар томонидан тегишли рухсатнома олмастан туриб, ўзбошимчалик билан, миллий меъморчилигимизга мос келмайдиган дизайн асосида нақсоний қурилиш ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, — дейди мазкур бошқарма бош мутахассиси Шоҳаббос Шарофиддинов. — Шу ўринда бир неча мисол. Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида яшовчи фуқаролар-

дан бири Маданий мерос департаменти ҳузуридаги Илмий-эксперт кенгаши билан олдиндан келишмасдан ўзига тегишли уйни бузиб янғисини қуришга киришган. Шу сабабли фуқарога нисбатан қонунда кўрсатилган тартибда жазо чоралари кўрилди.

Ёки 1636-1637 йилларда барпо этилган Мағоки Кўрпа масжидининг орқа томонида яшовчи фуқаро ўзига тегишли уйни бузиб, ўрнига Европа услубида уч қаватли бино қурганилиги аниқланди. Ҳозирги кунда унга нисбатан қонуний чора кўриш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Жақикат кўчасида жойлашган “Сўзангарон” меҳмонхонаси эгалари эса рухсат этилган балоидликдан бир неча баробар оширган ҳолда иморат қуришгани аниқланди.

Маданий меросимизга, тарихимизга бефарқ, фуқаролик мажбуриятини унутган бундай кимсалар борлиги ачинарли, албатта.

Танганинг иккинчи томони ҳам бор

Баҳоуддин Нақшбанд кўчасидаги 134-уйда яшовчи Махфират Тўхсанова вилоят Маданий мерос бошқармасига мурожаат этди. Унинг маълум қилишича, “Бухоро маданий маркази” ҳудудида жойлашган ҳовлисининг девори қулаб тўшган.

— Жуда ноқулай вазиятдамыз, — дейди у. — Иссиқ сувдан фойдалана олмапмиз. Чўнки ҳоҷатхонаю ҳаммомга ҳам зиён етди. Деворни тезроқ қайта тикла-масам қўйилмаб қоламиз. Бунинг учун рухсатнома керак. Шу масалада ёрдам сўраб келдим.

Бошқарма раҳбару мутахассислари мурожаатига имкон қадар қўмақлашиш чора-тадбирини кўришди. Аммо танганин иккинчи томони ҳам бор, деганларидек, мабодо, Махфират Тўхсанова қулаган девору ҳоҷатхона ўрнида таъминан янги бино қуриш ниятида бўлса-чи? Унда масала анча чигаллашади. Негаки, бунинг учун Маданий мерос департаменти ҳузуридаги Илмий-эксперт кенгашининг рухсати керак. Бундай рухсатни эса амалда ҳафталаб, оилаб қутишга тўғри келмоқда. Бинобарин, оддий фуқаронинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, қурилиш ва таъмирлаш бўйича лойиҳаларни келишиш жараёни соддалаштирилса, уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тўловлар миқдори ҳам камайтирилса, айни муддао бўларди.

— “Бухоро тарихий маркази”даги объектларнинг 15, нари борса 20 фойзини тарихий ёдгорликлар ташкил этади, — дейди “АРО” меъморчилик фирмаси лойиҳа бош архитектори Зоирхон Қўличев. — Қолгани эса аҳоли турар-жойларидир. Бу уйларда яшовчилар замонавий шарт-шароитларда истикомат

қилишни хоҳлашади, албатта. Негаки, бу уйлар ёғочдан қурилган. Ваҳоланки, чўпқори уйлар 70 — 80, нари борса, 100 йилгача яроқли бўлади.

Ҳозирги кунга қадар тарихий обидалар реставрациясига, уларни таъмирлашга маблағ акратиб келинмоқда. Аммо тарихий марказдаги эски уйларда яшовчилар негизий эътибордан четда қолишяпти. Холбуки, мадраса-масжидлар, маҳаббатли минораю карвонсаройлар қуриш гоёси айнан шу уйларда умргузаронлик қилган аждодларимиздан чиққан. Меъморчилик санъати илдизи шу қадимий уйларга бориб тақалади.

Бухоро меъморчилигида ўзидан ёрқин

Бухоронинг мураккаб иқлим шароитида дов-дарахтларнинг аҳамияти катта. Афсуски, яқин ўтмишда уларнинг кўпи қурилиш-обodonчилик важи билан кесилди. Арча ўтқазिशга ружу қўйилди. Ваҳоланки, маҳаллий иқлим шароитига мос тут, чинор ва қайрағочни кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Бунга қадимий шаҳарнинг жозибадор қиёфасини сақлаб қолиш билан боғлиқ масала сифатида қараш керак.

из қолдирган таниқли архитектор Маҳмуд Аҳмедовнинг шогирди саналган Зоирхон ака тарихий шаҳарларимизнинг асл қиёфасини сақлаб қолиш юзасидан жуда кўп жўяли фикрларни ўртага ташлади.

— Бухорои шариф урбанизация жараёнини бошдан кечирган, ривожланган қадимий шаҳар ҳисобланади, — дейди у. — Бинобарин, бу каби қадимий кентларимизда иш бошлаётган масъуллар “Эски шаҳар нима дегани ўн, нега уни ЮНЕСКО рўйхатга олган?” деган саволларни ўз олдига қўйиши, маълум бир билим ва малакага эга бўлиши зарур. “Бухоро тарихий маркази”даги қадимий уйларга қайтадиган бўлсак, уларни илмий изланишлар негизида ЮНЕСКО талабига мос равишда босқимча-босқич реконструкция, реставрация, ренавация қилиш, аҳолига имтиёзли кредит ажратиш чора-тадбирларини кўриш керак. Негаки, одамларнинг илмий реставрация қилиш учун қурби етмайди.

Шу ўринда бир савол туғилди: одамлар дейлик, нега Сочиға боришадиган? Чўнки у ерда сикатгоҳлар, пляжлар бор. Қора денгиз бўлмаганида у ерга ким борарди? Ҳеч ким. Инчунин, осориатикаларимизни асл ҳолида сақлаш тўғрисида жиддий ўйлашимиз керак. Чўнки хорижий сайёҳ “Бухородаги қадимий деворда сақланган қолган бир парча нақшни қураман”, деган мақсадда минглаб чакирим йўл босиб шаҳримизга келади. Агар шариф шаҳримизнинг асл қиёфасини сақ-

лаб қолмасак, бу ерга сайёҳларнинг таширифини қутиш мумкинми?!

Бухорога Бухорони кўргани келганди. Аммо...

— Яқинда Европадан келган сайёҳга ҳамроҳлик қилдим, — дейди таниш гидлардан бири. — Қадимий Арк, Лаби Ховуз, Поёи Калон, Ситораи Мохи Хос-сани мириқиб томоша қилган меҳмони-ча. Меъморчилик санъати илдизи шу қадимий уйларга бориб тақалади.

Уни шаҳримизнинг яқинда қад рост-

лар” алмисокдан қолган уйлардан нусха олиб, кўп қаватли уйлар қуришда давом этмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, “АРО” меъморчилик фирмасида маҳаллий шарт-шароитга мос, ўзига хос дизайнга эга кўллаб лойиҳалар тайёрланган ва амалиётга татбиқ этилган. Фирма мутахассислари бизни уларнинг айримлари билан таништирди.

Дарҳақиқат, бу уйларда шарқона услуб бор. Уларнинг ҳатто томидан ҳам фойдаланиш мумкин. Яна бир эътиборли жиҳати, шу лойиҳа асосида бино қурилатганида ён-атрофдаги бирорта дарахтга зиён етмаган.

«Хар бир уйнинг концепциясини ишлаб чиқяпмиз»

— Эски шаҳарни асл ҳолида сақлаб қолиш ҳам дардимиз, ҳам муаммомиз, — дейди Шерзод Маҳмудов. — Ҳозир вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар бир уйнинг концепциясини ишлаб чиқяпмиз. Ҳар бир оиланинг имконияти ўрганилмоқда. Кимдир яроқсиз аҳолга келган уйини бир қаватли, яна кимдир икки қаватли қилиб қайта тиклаши мумкин. Шунга аниқлик киритамиш. Лекин уларнинг том қисми ташқи қўриниши бирихиллашди.

Фикримизча, ҳудуднинг ўрта асрларга хос қиёфасини сақлаб қолиш учун маданий-маиший объектларга ҳам эътибор қаратиш зарур. Бу ҳақда бежиз тўхталмаяпмиз.

— Агар Арк кўргани тепасидан назар ташласангиз, ён-атрофдаги айрим эски иншоотлар том қисми тунука билан қопланганини кўрасиз, — дейди меъмор Зоирхон Қўличев. — Бу манзара кишига ажабий шаҳарларнинг эслатади. Ваҳоланки, ўтган асрнинг 20-йилларида бу бинолар томи текис қўринишда эди. Бинобарин, иншоотлар том қисмини қадимий обидаларимизга монанд ҳолга келтиришимиз зарур. Шунда уйғунлик, яхлит манзара ҳосил бўлади.

Яна бир мулоҳаза. Бухоронинг мураккаб иқлим шароитида дов-дарахтларнинг аҳамияти катта. Афсуски, яқин ўтмишда уларнинг кўпи қурилиш-обodonчилик важи билан кесилди. Арча ўтқазिशга ружу қўйилди. Ваҳоланки, маҳаллий иқлим шароитига мос тут, чинор ва қайрағочни кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Бунга қадимий шаҳарнинг жозибадор қиёфасини сақлаб қолиш билан боғлиқ масала сифатида қараш керак.

Зеро, Бухорои шарифнинг асл қўринишини асраб-авайлаш ва уни келгуси авлодларга зиён-заҳматсиз етказиш тарих олдидаги инсоний бурчимиздир!

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Бандлик

ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Шаҳрисабз туманидаги “Тўдамайдон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги минг гектар лалми ер ўзлаштирилиб, узумзор ва бодомзор барпо этишга киришилди.

“Муҳаммаджон Биг агро” ва “Темурбек Биг агро” масъулияти чекланган жамиятлари томонидан амалга оширилаётган ушбу лойиҳа асосида жорий йилда 500 гектар тоқзор, кейинги йили эса 500 гектар бодомзор яратилади. Бу, йилга 5,5 минг тонна узум, 200 тонна бодом етиштириш имконини беради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, келгусида умумий қиймати 5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспортга йўналтириш кўзда тутилган.

— Лалми ерларга тоқ кўчатлари экишда маҳалламиздаги қишлоқларнинг иш-

сиз ёшларини жалб қилдик, — дейди “Тўдамайдон” МФЙ раиси Акмал Намозов. — Ҳозир қунига 50 — 60 нафар ийгит-қиз мавсумий ишчи сифатида фаолият олиб бораётган бўлса, кўчатлар экиб бўлинган, тўлиқ иш фаолияти йўлга қўйилади ва минг нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлади.

Мазкур лойиҳа бўйича томчилаиб суғориш тизими-ни жорий этиш учун халқаро молия институтлари томони-дан 5,1 миллион АҚШ доллар миқдорида кредит аж-ратилиши режалаштирилган.

Фохриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти янги тарифларни амалга киритмоқда

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик билан келишувга асосан, 2021 йил 1 мартдан бошлаб почта алоқасининг универсал хизматларига янги тарифлар жорий этилмоқда.

20 граммгача бўлган почта жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ичида жўнатиш учун қуйидаги тарифлар белгиланган:

- Оддий хат-хабарлар — 1 900 сўм.
- Буюртмали хат-хабарлар — 3 800 сўм.
- Оддий бандероль — 1 900 сўм.
- Оддий майда пакет (100 граммгача) — 2 250 сўм.

Тарифлар ва хизматларнинг тўлиқ рўйхати почта алоқаси корхоналари ҳамда бўлимларида ва www.pochta.uz сайтида мавжуд.

Почта хизматларидан фойдаланинг!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

71-232-10-63,
71-232-11-15.

E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Танлов			
Лойиҳа номи:	«Навоий иссиқлик электр станциясидан 220 кВли «Бесопан» ўчириб-ёқиш пунктигача 177 км. узунликдаги 220 кВли электр узатиш тармоғини 500 кВли габаритда қуриш» ҳамда «500/220 кВли «Мурунто» подстанциясини қуриш ва иккита 3х167 МВАлик автотрансформаторини ўрнатиш» лойиҳаси		
ЕТТБ лойиҳаси рўйхатдан ўтиш рақами:	50691-сонли кредит битими		
Мамлакат:	Ўзбекистон		
Буюртмачи:	Ўзбекистон Республикаси инвестиция маблағларини жалб этувчи «Ўзбекистон МЭТ» АЖ — лойиҳа ижрочиси		
Харидлар электрон порталининг рўйхатга олиш рақами:	14505423		
Харид қилиш фаолиятининг тавсифи:	«500/220 кВли «Мурунто» подстанциясини қуриш ва иккита 3х167 МВАлик автотрансформаторини ўрнатиш» ҳамда «Навоий иссиқлик электр станциясидан 220 кВли «Бесопан» ўчириб-ёқиш пунктигача 177 км. узунликдаги 220 кВли электр узатиш тармоғини 500 кВли габаритда қуриш»		
Харидлар тури:	Қурилиш ишлари		
Харидлар усули:	Икки босқичли очик тендер		
Сектор:	Энергетика		
Хабарнома тури:	Икки босқичли савдо тендерига таклиф		
Нашр қилинган сана:	2021 йил 3 февраль, Лондон вақти билан соат 15.29 да		
Эълон қилиш санаси:	2021 йил 28 январь, Лондон вақти билан соат 18.00 да		
Ёпилиш санаси:	2021 йил 5 апрель, Лондон вақти билан соат 10.00 да (Тошкент вақти билан соат 15.00 да)		

Танлов савдоларига таклиф (икки босқичли усул) 1. Молиялаштириш тўғрисида маълумот. Буюртмачи — Европа тикланиш ва тараққиёт бан-ки (ЕТТБ) томонидан ажратилган кредит/грант маб-лағларининг бир қисми шартнома шартларига муво-	фик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишни кўзда тутади. Молиялаштириш бўйича қўшимча маълумотлар: ЕТТБ маблағларидан «Мурунто» подстанциясини (50117-сонли идентификация рақами) ва Навоий электр узатиш линиясини модернизация қилиш (50691-сонли
--	---

идентификация рақами) бўйича яқуний шартнома(лар)-ни молиялаштириш учун фойдаланилади. Буюртмачи кре-дит келишувларида белгиланган солиқ имтиёзларидан овоз бўлишга ҳақли.

2. Харид фаолияти тўғрисида маълумот.
Келишувлар ЕТТБнинг харид қилиш сиёсати ва

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Обсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-қўднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёғмазар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбўтчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 02.50

Тошпирилди — 00.35

1 2 3 4 5 6